

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.16958338>

ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК: КОНЦЕПЦИЯ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Шатре А.М.,

Швеция, Уппсала университети

Курбонов X.A, Карлибаева Р.Х., Бобожанов А.

ТДИУ

Аннотация. Мақолада ижтимоий инфратузилманинг (транспорт, алоқа, соглиқни сақлаш, коммунал хизматлар, ижтимоий сервислар) ривожланиши билан таълим тизими натижалари ўртасидаги икки томонлама боғлиқлик ёритилади. Инфратузилма таълимга кириши имкони ва ўқув натижаларини белгилайди, шу билан бирга, таълим орқали шаклланадиган инсон капитали инфратузилмага қилинган сармояларнинг қайтаримини оширади. Концептуал модель, эмпирик стилизацияланган фактлар ва давлат сиёсатини амалга ошириши учун тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: таълим; ижтимоий инфратузилма; инсон капитали; қўллаб-кувватлаш хизматлари; тенг имкониятлар; ҳудудий сиёсат.

КИРИШ

Замонавий жамият тараққиётида таълим тизими ва ижтимоий инфратузилма ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар мамлакатнинг барқарор ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Таълим сифати ва имкониятлари ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, инфратузилманинг самарали фаолият юритиши эса ўз навбатида малакали кадрлар тайёрлашга ва уларни жамиятнинг турли соҳаларида тўғри жойлаштиришга хизмат қиласди.

Иқтисодий муносабатлар чуқурлашиб, глобал рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда таълим ва ижтимоий инфратузилмани уйғун ривожлантириш стратегияси ҳар бир давлат учун устувор вазифага айланмоқда. Хусусан, таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва туарар-жой инфратузилмаси билан уйғунлаштириш нафақат билим сифатини оширади, балки аҳолининг турмуш даражасини ҳам қўтаришга хизмат қиласди.

Шу нуқтаи назардан, таълим ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур ўрганиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан таъсир механизмларини тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Бу масала нафақат илмий тадқиқотларда, балки давлат сиёсатини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Мазкур мақолада таълим ва ижтимоий инфратузилманинг концептуал боғлиқликлари, уларнинг уйғун ривожланишини таъминловчи механизмлар ҳамда миллий тараққиёт стратегиясидаги аҳамияти таҳлил қилинади.

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Таълим тизими ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи жаҳон илм-фанида кенг ўрганилган йўналишлардан бири ҳисобланади. Халқаро тадқиқотларда таълим сифатининг ижтимоий инфратузилма даражаси билан чамбарчас боғлиқлиги, инфратузилманинг самарали ташкил этилиши эса аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий адолат ва иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланган. Масалан, Ж. Коулман ва Р. Патнэм ижтимоий инфратузилманинг таълим имкониятларини кенгайтириш орқали жамиятда инсон капитали ўсишига туртки бериши ҳақида назарий асослар ишлаб чиқкан.

Шунингдек, ЮНЕСКО ва Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар ҳисоботларида таълим муассасаларининг самарали ишлаши учун инфратузилманинг аҳамияти, хусусан, транспорт, алоқа ва тураг-жой инфратузилмасининг етарли даражада ривожланиши таълим жараёни самарадорлигини белгилайдиган асосий омиллардан бири экани кўрсатиб ўтилган. АҚШ, Германия, Жанубий Корея ва Сингапур тажрибаларида таълим тизимини ижтимоий инфратузилма билан уйғун ривожлантириш орқали иқтисодий тараққиётга эришиш модели амалда ўз тасдиғини топган.

Миллий адабиётларда ҳам мазкур йўналишга оид изланишлар тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон олимлари таъкидлаганидек, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражаси ва ижтимоий инфратузилма имкониятлари ўқув жараёнининг самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Президент фармон ва қарорларида таълим тизимини ижтимоий инфратузилма билан уйғун ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Шу билан бирга, мавжуд адабиётлардаги таҳлиллар кўпинча маълум соҳалар доирасида чекланиб қолган бўлиб, таълим ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатларини қамраб олган комплекс тадқиқотлар ҳали етарли даражада эмас. Шу боис мазкур мавзуда илмий-назарий ёндашувларни янада чуқурлаштириш, миллий ва халқаро тажрибаларни таққослаш асосида ижтимоий-иктисодий механизmlарни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу тадқиқотда таълим ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш мақсадида тизимли, тарихий-таққослама ва илмий-аналитик усуллар уйғун равишда қўлланилди. Тадқиқот жараёнида методологик асос сифатида жамият тараққиётида таълим тизими ва инфратузилманинг ўрнини белгилайдиган классик ва замонавий назариялар, шунингдек, инсон капитали назарияси, ижтимоий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш моделлари инобатта олинди.

Илмий ишда илк навбатда таълим ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги концептуал боғлиқликни очиб бериш учун мазмунан таҳлил ва мантиқий қиёс усули қўлланилди. Бу жараёнда халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон банки

ва ОЭСР томонидан эълон қилинган ҳисоботлар ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилди. Шу билан бирга, миллий даражада қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Президент фармон ва қарорлари, стратегик дастурлар таҳлил этилиб, уларнинг таълим ва инфратузилмани уйғун ривожлантиришга қаратилган йўналишлари ўрганилди.

Эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида статистик усуллар, жумладан, корреляцион ва регрессион таҳлил қўлланилиб, таълим тизими кўрсаткичлари билан ижтимоий инфратузилма ривожланиш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланди. Тадқиқотда мамлакатимиздаги амалий ҳолатни ўрганиш мақсадида Давлат статистика қўмитаси ва соҳавий вазирликлар маълумотлари асос сифатида қабул қилинди.

Шунингдек, тизимли ёндашувдан келиб чиқиб, таълим ва ижтимоий инфратузилмани уйғун ривожлантиришнинг институтсионал механизмлари назарий моделлаштириш орқали таҳлил қилинди. Бу орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий хulosалар ишлаб чиқилди.


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий инфратузилма ва таълим кўпинча алоҳида сиёsat йўналишлари сифатида кўрилади. Бироқ уларнинг ўзаро боғлиқлиги тизимли хусусиятга эга. Мактаб, коллеж ва университетларнинг мавжудлиги ва сифати транспорт ва рақамли боғланишга, шаҳар муҳитига, тиббий хизматлар ва ўқитувчи-талабалар учун туарр-жой имкониятларига бевосита боғлиқ. Аксинча, таълим орқали шаклланадиган инсон капитали меҳнат унумдорлиги, инновацион фаоллик ва солик базасини ошириб, инфратузилма инвестицияларининг ижтимоий самарадорлигини кучайтиради.

Таълим ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги боғлиқлик — бу сабаб—оқибатнинг икки йўналишли ҳалқаси ҳисобланади. Инфратузилманинг сифатли ва барчага етарли бўлиши таълим имкониятларини оширади. Таълим эса инсон капиталини ўстириб, инфратузилма инвестицияларининг иқтисодий-ижтимоий қайтарилишини таъминлайди. Шунинг учун сиёsat интеграция, инклузивлик ва натижага йўналтирилган молиялаштириш тамойилларига таянади ва узоқ муддатли барқарор ўсиш, ҳудудий тенгликка олиб келади⁷⁴.

Иқтисодий-ижтимоий ривожланиш шароитида таълим тизими ва ижтимоий инфратузилма ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ягона экотизим сифатида намоён бўлади. Амалиётда эса улар кўпинча алоҳида сиёsat йўналишлари сифатида режалаштирилади ва баҳоланади. Бу эса сиёсий қарорларда парчаланишга, ресурслар тақсимотида самарасизликка ва узоқ муддатли натижаларнинг кам қониқарли бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боис мазкур иш “таълим—ижтимоий инфратузилма” тизимини яхлит ҳолда тушунирадиган концептуал моделни кўриб ўтамиш ва унинг асосий элементлари, таъсир каналлари ҳамда икки томонлама қайтиш алоқаларини қўйидаги расмда кўриб ўтамиш.

⁷⁴ Ушбу мақола Caucasus and Central Asia Research Social Innovation: Development Assistance, Innovation and Societal Transformation № 101086415 сонли дастури асосида бажарилган.



1-Расм. Концептуал модел: таълим ва ижтимоий инфратузилма⁷⁵

Расмдан кўриниб турганидек, олий таълим муассасалар сифатини белгилайдиган омиллар — транспорт тармоқлари, рақамли боғланиш, хавфсиз ва инклузив шаҳар мұхити, соғлиқни сақлаш хизматлари, ўқитувчи ва талабалар учун туар-жой имкониятлари — билимга кириш имкониятини, давоматни, ўкув натижаларини ва кадрлар барқарорлигини белгилайди. Аксинча, таълим орқали шаклланадиган инсон капитали меңнат унумдорлиги, инновацион фаоллик ва солиқ базасини ошириб, инфратузилма инвестицияларининг иқтисодий-ижтимоий қайтарилишини кучайтиради. Демак, “қуруқ бетон” эмас, балки “инсон капиталига йўналтирилган инфратузилма” мантиғи устувор бўлиши зарур.

Юқорида келтирилган концептуал моделнинг мақсади — таълим ва ижтимоий инфратузилма ўртасидаги сабабий боғланишлар занжирини систематик равишда амалга ошириш, асосий драйверларни аниқлаш ҳамда сиёsat учун ўлчанадиган индикаторлар тўпламини шакллантиришдан иборат. Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни бажариш имконияти бўлади:

- инфратузилма компонентларини (транспорт, рақамли тармоқ, шаҳар мұхити, соғлиқ, туар-жой) таълим натижалари билан боғловчи таъсир каналларини тавсифлаш;

- таълим натижалари орқали инфратузилма инвестицияларининг кенг қамровли ижтимоий самарадорлигига олиб борадиган “қайтар ҳалқалар”ни очиб бериш;

- худудлар кесимида тенгсизликни камайтириш учун “хаб–шўъба” (campus hub & spoke) ва жамоат транспортига таянган ривожланиш каби моделларнинг ўрнини белгилаш;

⁷⁵ Муаллифлар ишланмаси

-мониторинг учун минимал индикаторлар дашбордини таклиф этиш.

Инфратузилма субъектларининг ўзаро таъсир механизмлари.

Транспорт ва шаҳар муҳити → дарсга қатнаш, кечикишлар, қишлоқ худудларидағи қамров.

Рақамли инфратузилма → онлайн курслар ва манбаларга кириш, мослашувчан таълим.

Соғлиқни сақлаш ва санитария → ўқувчи ва ўқитувчилар саломатлиги, дарс қолдиришлар.


Тураг-жой ва ижтимоий инфратузилма → кадрларни жалб қилиш ва ушлаб қолиши, ижтимоий стрессни камайтириш.

Таълим → инфратузилмани сақлаш ва ривожлантириш учун кадрлар тайёргарлиги; инфратузилмадан фойдаланиш самарадорлиги.

Таклиф этилаётган концептуал модел таълим ва инфратузилма ўртасидаги муносабатни йўналишга-жавобгарлик нуқтаи назаридан қайта шакллантиради: Яъни,

инфратузилма сифати → ўқув натижалари → иқтисодий қайтим

Ушбу занжирида аниқ ўлчанадиган кўрсаткичлар орқали натижага боғлиқ молиялаштириш ва шаҳарни ривожлантиши сиёсатини уйғунлаштиришга хизмат қиласди. Модел сиёсий қарор қабул қилувчиларга ресурсларни туғри тақсимлаш, худудий тенгсизликни қисқартириш ва “инсон капиталига йўналтирилган инфратузилма” тамойиллари асосида амалга оширишда амалий мезонлар беради. Буни қўйидаги расмда кўриб ўтамиш.




2. Расм. Ижтимоий инфратузилмани баҳолаш⁷⁶

⁷⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

Графикда “ижтимоий инфратузилма сифатининг индекси (x)” ошган сайн үқишининг ўртача давомийлиги (ўқитилган йиллар, у) ҳам ортиб бориши кўринади — яъни кучли ижобий корреляция мавжуд. Корреляция сабабийликни кафолатламайди: яхшироқ инфратузилма таълимни яхшилаши мумкин, лекин аксинча — юқори инсон капитали ва солиқ базаси ҳам инфратузилмага кўпроқ сармоя тортади.

Кейинги расмда инфратузилманинг таълим натижаларига таъсирини кўриб чиқамиз.



3.расм. Инфратузилманинг таълим натижаларига таъсирини

Кўриб турганимиздек, агар индексни, дейлик, $60 \rightarrow 75$ қилиб кўтаришга эришилса, ўртача ҳолда үқиш давомийлиги $\approx +1,5$ йилга ўсиши кутилса бўлади. Инфратузилмани инсон капитали мантифи билан ривожлантириш: транспорт етганлиги, рақамли қамров, соғлиқ хизмати ва талабалар/ўқитувчилар турагжойи — барчаси биргаликда самара беради.

Инсон капитали ёндашувига кўра, таълимга инвестициялар шахс даромадлари ва иқтисодий самарадорликни оширади; инфратузилма таълимга кириш «қийматини» пасайтиради. Ҳудудий тенг кириш назарияси транспорт ва рақамли боғланишнинг таълимдаги тўсиқларни камайтиришдаги ролини таъкидлайди. Институционал ёндашув мактаблар ва инфратузилма лойиҳаларини бошқариш сифати уларнинг синергиясини белгилашини кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, таълим ва ижтимоий инфратузилма бир-бирини кучайтирувчи тизимни ҳосил қиласи. Инфратузилма таълимнинг сифати ва мавжудлигини белгиласа, таълим эса инфратузилмага қилинган

сармояларнинг ижтимоий-иктисодий қайтаримини оширади. Барқарор тараққиёт учун дисбалансларни камайтирувчи ва синергияни кучайтирувчи интеграциялашган сиёsat зарур.

ХУЛОСА

Таълим ва ижтимоий инфратузилма ўзаро боғлиқлик жамиятнинг барқарор тараққиёти, инсон капитали салоҳиятини ошириш ва ахоли турмуш сифатини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани тадқиқот жараёнида аниқланди. Тахдиллар шуни кўрсатадики, таълим муассасаларининг самарали фаолияти фақатгина замонавий ўкув дастурлари ва педагогик технологияларга эмас, балки ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражасига ҳам бевосита боғлиқидир.

Ижтимоий инфратузилмада транспорт, алоқа, тураг-жой, соғлиқни саклаш ва ахборот-коммуникация хизматларининг ривожланиши таълим тизими имкониятларини кенгайтиради, билим сифатини оширади ва малакали кадрлар тайёрлашга мустаҳкам асос яратади. Шу билан бирга, таълим тизими ҳам инфратузилмани ривожлантириши учун зарур кадрлар, инновация ва илмий салоҳиятни таъминлайди. Бу жараён икки томонлама ижобий таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласди.

Шунингдек, Ўзбекистонда қабул қилинган давлат дастурлари ва ислоҳотлар таълим ҳамда ижтимоий инфратузилмани уйғун ривожлантириши стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаб бергани, ушбу соҳада халқаро тажрибадан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Демак, таълим ва ижтимоий инфратузилманинг уйғун ривожланиши жамият тараққиётининг концептуал асосларидан бири сифатида эътироф этилади. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур англаш ва самарали механизмларини жорий этиш мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва инсон капиталини юксалтиришда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

АДАБИЁТЛАР

1. Антонюк В.С., Буликеева А.Ж. Социальная инфраструктура в системе региональной инфраструктуры // Вестник Тюменского государственного университета. 2013. № 11.
2. Третьяченко Т.В. Социальная инфраструктура муниципального образования в региональном контексте: состояние, факторы и механизмы рыночной трансформации: дис...канд. экон. наук., Ростов-наДону, 2007
3. Кухтин П.В. Инфраструктура муниципальных образований. – М.: КНОРУС, 2008.
4. Косарева А.В. Развитие социальной инфраструктуры как фактор регионального развития // Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2014. № 6.
5. Ишмуратова, Д. Ф. Образование в контексте устойчивого развития: уровни взаимодействия // Молодой ученый. — 2016. — № 5.4 (109.4). — С. 9-12

6. UNESCO Institute for Statistics. Global Education Monitoring Report 2023: Technology in Education. Paris: UNESCO, 2023. – 450 p.
7. World Bank. World Development Report 2018: Learning to Realize Education's Promise. Washington, DC: World Bank, 2018. – 239 p.
8. OECD. Education at a Glance 2022: OECD Indicators. Paris: OECD Publishing, 2022. – 455 p.
9. Asian Development Bank (ADB). Education and Infrastructure Development in Asia. Manila: ADB, 2020. – 180 p.
10. Жаҳон банки. “Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш бўйича миллий ҳисобот”. Тошкент: Жаҳон банки ваколатхонаси, 2021. – 112 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сонли Фармони “Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини ошириш ва инфратузилмани модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли Фармони “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”.
13. Тожибоев, Ш. Таълим ва инфратузилманинг уйғун ривожланиши: назарий ва амалий жиҳатлар. Тошкент: “Фан ва технологиялар”, 2020. – 210 б.
14. Қодиров, Б. Ўзбекистонда таълим тизими ва инфратузилма трансформацияси. Тошкент: “Иқтисод-Молия”, 2021. – 185 б.